

5-1-2018

Analysis of factors affecting food security in the region

O.A. Abduganiyev

Urgench State University, Urgench, 220100, Uzbekistan, genius7722@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Abduganiyev, O.A. (2018) "Analysis of factors affecting food security in the region," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 5 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss5/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

МИНТАҚА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Абдуганиев Отабек Аллажонович,
Термиз давлат университети таянч докторанти

E-mail: genius7722@mail.ru

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши, Сурхондарё вилояти озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қилаётган асосий омиллар, вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы продовольственной безопасности, растущий спрос на продовольственные товары, основные факторы влияющие на продовольственную безопасность Сурхандарьинской области и разработаны научно-практические рекомендации по обеспечению продовольственной безопасности региона.

Abstract: The article developed scientific recommendations and practical recommendations on food security, the growing demand for food products, the main factors affecting the food security of Surkhandarya region, the problems of food security in the region.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат маҳсулоти, аҳоли сони.

Кириш

XXI аср бошида дунёда аҳоли сони ўсиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ глобал муаммо юзага келмоқда. 2011 йилда дунё аҳолиси 7 млрд. кишига етган бўлса, БМТнинг прогнози бўйича 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 10 млрд. кишига етади. Натижада озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж янада ортиб бориши кузатилади.

Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар, ҳеч шубҳасиз, шу борадаги саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни, келажакка қаратилган ёндашув ва хулосаларни биргаликда ишлаб чиқишни тақозо этади. Ва ўз-ўзидан тушунарлики, бу ҳолат мазкур масала юзасидан жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ҳамда мунтазам равишда танишиб туришни талаб қилади [4]. Ижтимоий йўналтирилган барқарор, эркин бозор иқтисодиётига, кучли демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсадида республиканинг барча соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалигида улкан ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотлар давлат раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигига доир Президентнинг бир қатор фармонлари, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бу фикрларимизга яққол далил бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январда «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5303-сонли фармони тасдиқланди. Бу фармон ижроси орқали мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва соддалаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат

товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навонинг асоссиз оширилиши оқибатида қўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиддий тизимли муаммолар ўз ечимини топмоқда [2].

Британиянинг "Economist" журнали томонидан 2015 йил натижаларига кўра тузилган янги озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси рейтингда Ўзбекистон 9 поғонага кўтарилди. Бу рейтингга ҳаммаси бўлиб 109 давлат киритилган. Ўзбекистон рейтингдан 64-ўрин эгаллаб, ўтган йилги натижасини 9 пунктга яхшилади. АҚШ рейтинг натижасига кўра 1-ўринни эгаллаган бўлса, етакчи ўнталикка Сингапур, Ирландия, Австрия, Нидерландия, Швейцария, Канада, Германия, Австралиялар киритилди. МДҲ давлатларидан Россия 43-ўрин, Белоруссия – 44-ўрин, Қозоғистон – 56-ўрин, Украина – 59-ўрин, Тожикистон 88-ўрин эгаллаган. Рейтингнинг энг пастки поғоналарини Мадагаскар, Чад ва Бурунди давлатлари банд этишган.

Шу боисдан қайд этиш лозим, айти глобаллашув жараёнида биргина мамлакатимиз эмас балки бутун дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан сифатли ва сотиб олиш қобилияти доирасида таъминлаб, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини бартараф қилиш муҳим масалага айланмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта ҳушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур [1]” дея таъкидлаб ўтгани ушбу масаланинг эътиборга молик эканлигини кўрсатиб беради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати бўлиб, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан қатъи назар бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос миқдорларда, иккинчи томондан тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланади [4].

Фикримизча, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар давлатнинг нафақат аграр соҳадаги, балки сиёсий ва иқтисодий йўналишдаги фаолиятлари билан ҳам бевосита боғлиқдир. 1974 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида ушбу иқтисодий категория тушунчаси биринчи бор таклиф қилинган, “Барқарор озиқ-овқат истеъмолини таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажми, нархларнинг ўзгаришини тўлдириш учун муҳим озиқ-овқатлар бўйича дунёда етарли жамғармалари доимий мавжудлигини билдиради.”

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш ва иқтисодий-статистик усуллари билан кенг фойдаланилди. Тадқиқот натижасида Сурхондарё вилоятида озиқ-овқат хавфсизлиги ва унига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилиниб, илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан мамлакатимизда олиб борилаётган озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш сиёсатини

ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар


Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритадиган муҳим тармоқ – аграр соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш масаласига катта эътибор қаратилиши ҳам озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қилаётган омилларни тўлалигича бартараф қила олмаяпти.

Бу ҳолатни Сурхондарё вилояти туманлари кесими мисолида таҳлиliga эътиборни қаратсак қўйидаги манзарани кўриш мумкин.

Маълумки, Сурхондарё вилояти республикаимизнинг энг жанубий қисми ҳисобланиб, географик жиҳатдан минтақанинг марказий ва жанубий қисми текисликлардан иборат. Сурхондарё вилояти 14 та тумани, 1 та шаҳар, 6 та маҳаллий аҳамиятга эга шаҳарлар ва 252 та қишлоқ аҳоли пунктларидан иборат. Умумий ер майдони 20,1 минг км². Вилоят аҳолиси 2473,7 минг кишидан иборат бўлиб, 63,5 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади.

Республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 8,1 фоизи Сурхондарё вилоятида етиштирилади. Жумладан бу кўрсаткич полиз экинлари бўйича 9,5 фоизни, узум – 8,7, сабзавот -7,7, гўшт -8,4 ва сут етиштириш бўйича 8,3 фоизни ташкил этади [3].

Вилоятда ички қайта ишлаш саноатм ишлаб чиқаришнинг пастлиги натижасида минтақа аҳолиси кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмаган.



1-расм. Вилоят аҳолисининг маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси, % (кг/минг тонна)

Манба: Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумоти.

Расмдан кўриниб турибдики, вилоятда ички ишлаб чиқариш ҳисобига аҳолининг эҳтиёжлари макарон маҳсулотлари бўйича 13,2%, маргарин – 8,5%, гўшт маҳсулотлари – 6,1% қопланса, гўшт ва балиқ консервалар, сут маҳсулотлари (болалар учун озуқалар, қуруқ сут, майонез, пишлоқ, сметана, творог) вилоятда деярли ишлаб чиқарилмайди

[3]. Вилоятнинг ушбу озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш асосан Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент вилоятларидан олиб келиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу эса вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархининг бошқа вилоятларга нисбатан ўсишига олиб келмоқда.

Тадқиқотлар асосида вилоят озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қилаётган асосий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

№ Сурхондарё вилоятида озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қилаётган асосий омиллар

| | |
|---|---|
| 1 | Вилоят аҳолиси сонининг ўсиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши |
| 2 | Вилоятда қишлоқ хўжалиги ерларининг асосий қисми (73%) ни яйловлар ташкил этиши |
| 3 | Вилоят экин майдонларининг 31,2 фоизи турли даражада шўрланганлиги. |
| 4 | Минтақада иссиқ иқлимнинг узоқ давом этиши (226-266 кун) ҳисобига ёғингарчиликнинг жуда кам бўлиши |
| 5 | Вилоят ҳудудида қуруқ афғон шамолларининг тез-тез эсиб туриши |
| 6 | Вилоятни пойтахтдан ва республиканинг бошқа минтақаларидан узоқда жойлашганлиги ҳамда Афғонистон, Тожикистон давлатлари билан чегарадошлиги |

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Маълумки, вилоятда озиқ-овқат хавфсизлиги таъсир қилаётган асосий омиллардан бири сифатида кўрсатилаётган аҳоли сонининг доимий ўсиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришига олиб келади.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятида доимий аҳоли динамикаси тўғрисида маълумот

(йил бошига, минг киши)

| | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 |
|---------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| Сурхондарё вилояти | 2 033,8 | 2 075,0 | 2 175,1 | 2 218,9 | 2 260,6 | 2 308,3 | 2 358,3 | 2 411,5 | 2 462,3 |
| Термиз шаҳри | 125,3 | 127,4 | 128,8 | 130,2 | 134,7 | 135,6 | 135,8 | 136,2 | 137,9 |
| Олтинсой тумани | 126,1 | 128,4 | 131,6 | 134,4 | 144,4 | 147,4 | 150,4 | 153,8 | 157,2 |
| Ангор тумани | 96,7 | 98,3 | 100,4 | 102,7 | 109,2 | 111,7 | 114,0 | 116,5 | 119,0 |
| Бойсун тумани | 89,5 | 91,0 | 92,8 | 95,4 | 98,9 | 101,3 | 103,7 | 106,2 | 108,5 |
| Денов тумани | 299,0 | 304,2 | 310,2 | 315,7 | 327,4 | 332,6 | 338,7 | 346,2 | 353,5 |
| Жарқўрғон тумани | 160,0 | 162,4 | 166,0 | 169,1 | 181,6 | 185,6 | 188,7 | 192,5 | 196,3 |
| Қизириқ тумани | 84,1 | 85,5 | 87,6 | 89,7 | 138,5 | 141,7 | 144,8 | 148,3 | 152,2 |

| | | | | | | | | | |
|------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Қумқўрғон тумани | 164,1 | 167,5 | 171,4 | 175,0 | 190,7 | 194,9 | 199,0 | 203,5 | 208,1 |
| Музробод тумани | 105,7 | 107,7 | 110,2 | 112,5 | 115,8 | 118,6 | 121,4 | 124,2 | 127,1 |
| Сариосиё тумани | 155,0 | 157,7 | 161,0 | 164,6 | 168,9 | 172,2 | 175,8 | 179,9 | 184,1 |
| Термиз тумани | 81,7 | 82,9 | 84,5 | 86,5 | 89,5 | 91,5 | 93,3 | 95,3 | 97,1 |
| Узун тумани | 131,8 | 134,0 | 136,6 | 139,3 | 145,9 | 149,0 | 151,8 | 155,1 | 158,9 |
| Шеробод тумани | 140,5 | 143,0 | 146,0 | 148,9 | 160,0 | 163,6 | 166,9 | 170,4 | 173,9 |
| Шўрчи тумани | 156,7 | 159,4 | 162,6 | 165,6 | 169,6 | 173,2 | 176,3 | 180,2 | 184,5 |

Манба: Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумоти.

Жадвалдан кўриниб турибдики, сўнгги 9 йил ичида вилоят аҳолиси 22 фоизга ортган. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса ерда етиштирилишини ҳисобга олсак, ер юзасининг ўзгармаслиги табиий ҳолат. Қолаверса, вилоятда сув муаммосининг юзага келаётганлиги, экин майдонларида шўрланиш даражасининг ошиши ва бунинг натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиши кузатилмоқда. Кейинги йилларда вилоятда экин майдонлари таркиби ҳам ўзгарди. Бу давр ичида ғалла, пахта майдонлари озиқ-овқат маҳсулотлари экиш ҳисобига сезиларли даражада камайтирилди.

Минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштириш ҳисобига ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини ошириш, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сонли қарори вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қилаётган омилларни қисман бартараф қилишга хизмат қилади. Қарорда таъкидланишича, минтақа пахта етиштириш учун ажратилган майдонлар 2016 йилдаги 117,1 минг гектардан 2019 йилда 90,3 минг гектаргача қисқартирилади. Бошоқли экинларни экиш учун ажратилган экин майдонлари ҳисобот даврида 98 минг гектардан 93 минг гектаргача қисқартирилади. Шу билан бирга, ушбу ҳудудда картошка (2,1 минг гектарга), сабзавотлар (17,7 минг гектарга), мевалар (4,4 минг гектарга), ем-хашак экинлари (4,1 минг гектарга), мой берадиган ўсимликлар (2,2 минг гектар) ва бошқа экинлар (1,3 минг гектарга)ни етиштириш учун ажратилган майдонлар кенгайтирилади.

Натижада вилоят 2019 йилга келиб, пахта хомашёсини етиштириш 264 минг тоннагача камаяди (-64,8 минг тонна) ва бошоқли экинлар ишлаб чиқариши 474 минг тонна, картошка — 118 минг тонна, сабзавотлар 890 минг тонна, мевалар эса 172 минг тоннагача кўпаяди [5].

2-жадвал

Сурхондарё вилоятида аҳоли жон бошига нисбатан асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва истеъмол қилиш

(кг/киши)

| Озиқ-овқат маҳсулотлари номи | Полиз | | | | | | | Сум | Тухум (дона) |
|--|------------|------------|------------|------------|------------|-------------|------------|------------|--------------|
| | Буғдой | Картошка | Сабзавот | экинлари | Мева | Узум | Гўшт | | |
| Физиологик меъёр бўйича 1 киши 1 йилда ўртача истеъмол қилиши лозим бўлган маҳсулот*, кг | 94,0 | 68,0 | 178,0 | 21,5 | 75,0 | 15,4 | 46,2 | 218,9 | 206,0 |
| Республика бўйича | 219,9 | 63,0 | 236,6 | 43,8 | 63,3 | 36,9 | 52,9 | 228,9 | 116,4 |
| Вилоят бўйича | 268,2 | 65,4 | 243,4 | 55,7 | 45,7 | 42,9 | 54,5 | 255,7 | 77,4 |
| Туманлар: | | | | | | | | | |
| Ангор | 380,9 | 78,4 | 444,9 | 96,6 | 24,3 | 24,1 | 58,0 | 229,2 | 59,4 |
| Бойсун | 84,6 | 59,7 | 159,4 | 43,1 | 38,7 | 57,8 | 91,3 | 257,7 | 102,1 |
| Денов | 205,6 | 78,0 | 267,1 | 39,6 | 56,4 | 59,3 | 49,3 | 272,0 | 26,4 |
| Жарқўрғон | 240,7 | 77,8 | 227,5 | 86,2 | 38,5 | 28,2 | 65,9 | 263,7 | 80,7 |
| Қизириқ | 522,0 | 49,3 | 415,5 | 121,3 | 50,2 | 34,7 | 73,0 | 292,0 | 71,8 |
| Қумқўрғон | 312,8 | 44,6 | 200,3 | 68,0 | 27,2 | 55,7 | 71,2 | 347,5 | 110,9 |
| Музработ | 610,0 | 49,4 | 148,9 | 125,5 | 27,7 | 11,0 | 54,3 | 289,6 | 61,8 |
| Олтинсой | 213,1 | 94,1 | 212,1 | 16,6 | 50,9 | 223,4 | 34,5 | 204,3 | 49,0 |
| Сариосиё | 159,7 | 45,9 | 159,5 | 10,6 | 103,4 | 27,6 | 45,8 | 192,3 | 28,5 |
| Термиз | 298,0 | 33,9 | 191,3 | 49,6 | 22,3 | 12,7 | 67,3 | 331,6 | 596,4 |
| Узун | 164,3 | 113,5 | 403,0 | 56,1 | 79,6 | 16,9 | 77,9 | 291,3 | 57,0 |
| Шеробод | 468,7 | 79,3 | 317,6 | 78,2 | 49,5 | 6,4 | 50,6 | 323,4 | 46,1 |
| Шўрчи | 211,8 | 78,6 | 227,6 | 23,1 | 34,5 | 12,4 | 39,4 | 192,1 | 38,3 |
| Туманлараро фарқ, марта | 7,2 | 3,3 | 3,0 | 5,4 | 4,2 | 35,2 | 2,6 | 1,8 | 22,6 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси санитария меъёрлари қоидалари ва гигиеник нормалари” ва вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Сурхондарё вилояти аҳолиси мева маҳсулотлари билан етарлича таъминланмаган. Вилоят ўз-ўзини мева маҳсулотлари билан таъминлаши учун яна 60 минг тоннадан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқариши лозим. Аҳоли сонини йил сайин ўсиб боришини ҳисобга олсак, бу кўрсаткични янада ошириш талаб этилади.


Деҳқончилик маҳсулотлари асосан ҳосилдорлик ортиши ҳисобига кўпаймоқда.

Вилоятда узум ишлаб чиқариш вилоят аҳолисининг ушбу маҳсулотга бўлган талабидан 2,8 марта кўп ва борада республика ўртача кўрсаткичи (2,4 марта)га яқин. Таҳлил натижалари вилоятнинг Олтинсой тумани узумчиликка чуқур ихтисослашганини кўрсатади. Шу билан бирга, Бойсун, Денов, Қумқўрғон туманларида аҳоли эҳтиёжларига нисбатан 3,5-4,0 марта ортиқча маҳсулот етиштирилади.

Тухум маҳсулотлари бўйича вилоят кўрсаткичи (бир бош товукдан олинадиган тухум ўртача 97,3 дона) республикадан орқада (108,9 дона). Бунда ишлаб чиқарилаётган тухумнинг 27 фоизга яқини Термиз туманидаги йирик паррандачилик фабрикаси (йиллик қуввати 50 млн. дона) ҳиссасига тўғри келмоқда [3].

Сурхондарё вилоятида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантириш асосида амалга оширилади.

Сўнгги йилларда Сурхондарё вилояти аҳолисининг 22 фоиз кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган картошкани 1,5 баробар, меваларни қарийб 1,6 баробар, сабзавотларни 1,7 мартадан зиёд ошириш имконини берди. Бу кўрсаткичларнинг янада яхшилашга тўсқинлик қилаётган яна бир омил сифатида вилоят экин майдонларининг маълум бир қисми дарё сувларидан фойдаланиб суғорилиши эвазига шўрланиши кўрсатилмоқда.



2-расм. Сурхондарё вилояти экин майдонлари тузилиши ва хўжалик субъектларига тақсимланиши

Манба: Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумоти асосида муаллиф ишланмаси.

Хулоса ва таклифлар

Вилоятда экин майдонларининг ўзгариши бевосита хўжалик юритиш шакллари фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Чунки, фермер ва деҳқон хўжаликларининг экин майдонлари кенгайиши билан бир қаторда ширкат хўжаликларида экин майдонларининг қисқариши амалга оширилди.

Вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини самарали ва ишончли таъминлаш учун қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

- минтақада экин майдонлар ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш;

- вилоятда озиқ- овқат маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш имконини берувчи замонавий технологияларга эга бўлган корхоналарни кўпайтириш;
- минтақа иқлимидан келиб чиқиб, экинларни суғоришда замонавий технологияларни қўллаш ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини янада ошириш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда турли зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоялаш мақсадида аҳоли ҳамда деҳқон хўжалиklarининг эгаларига замонавий усуллардан фойдаланишни ўргатиш;
- вилоятни иссиқ иқлим шароитидан келиб чиқиб минтақани иқлимга мос сифатли уруғ материаллари ва кўчатлар билан таъминлаш;
- вилоят ҳудудида катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларни сақлаш қувватига эга бўлган омборларни кўпайтириш. Булар орқали ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақлаб, ички бозорлардаги нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишки мавсумда ушбу маҳсулотлардан аҳоли эҳтиёжи учун фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5303-сонли фармони.
3. Назаров Ш.Х., Зокиров С.С., Сайдахмедов Х.М., Якубова Э.Т., Шукуров С.М., Каримов М.М., Хусайинова О.Ш., Мўминов.Т.К “Сурхондарё вилоятини иштимой-иқтисодий ривожланиш стратегияси” Тошкент, 2016.
4. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сонли қарори.
6. ФАО. 1999. Қишлоқ хўжалиги бозорлари ва озиқ-овқат хавфсизлигига Уругвай раундининг таъсири баҳоси. ССР 99/12 Rev. Рим, ФАО. октябрь 1999.